

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛЛАЛАР НУТҚИДА УЧРАЙДИГАН НУТҚИЙ БУЗИЛИШЛАР

Рахмонова Махбуза

Андижон вилояти Пахтаобод

тумани 16-ДММТ логопеди

Таянч тушунчалар: нутқ, оғзаки нутқ, мулоқот, фикр, тил, тил воситалари, муомила маданияти, психологик жараён

Annotation

Speech disorders are classified according to the type of speech disorder. So, orally and in writing. The phonation-external provision of narration, which is called the pronunciation disorder of speech. The semantic-structural-internal support of narration, which in science is called continuous or polyphonic speech disorders. This article provides information on speech disorders and their elimination.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларни эзгу ғоялар руҳида камол топтириш мураббийларининг асосий вазифасидир” дея таъкидлаши замирида Янги Ўзбекистоннинг эртанги куни эгаси бўлмиш болажонларимизнинг тақдири ётиши ҳеч биримизга сир эмас. Янги Ўзбекистон боласини ҳар томонлама соғлом, маънавий баркамол, замонавий имиджда тарбиялаш ҳақиқатдан ҳам биз педагогларнинг энг масъулиятли ҳамда шарафли вазифамиздир. Хусусан, келажак пойдевори ҳисобланмиш мактабгача таълим ташкилотлари мураббийлари ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларида 5 та муҳим ташаббус, “Давлат талаблари”, “Илк қадам” ўқув дастури асосида болаларга билим, кўникма ва малакаларни бериб келмоқдалар. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия бериш, нутқини, сўз бойлигини ошириш билан бирга, уларнинг нутқида учрайдиган айрим нутқий камчиликларни ҳам ўз ўрнида бартараф этиб келмоқдалар.

Болани ҳар томонлама ривожлантириш унинг инсоният тажрибаси, билимлари, қобилияти ва маданиятининг сақловчиси бўлган катталар, мулоқоти туфайли инсониятнинг кўп асрлик тажрибаларини ўзлаштириш асосидагина амалга оширилади. Мазкур жараённинг амалда тадбиқини эса инсоний мулоқотнинг энг муҳим воситаси – тил орқалигина етказиш мумкиндир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия беришда энг асосий вазифалардан бири болаларга она тилида сўзлашни ўргатиш, уларнинг нутқини ривожлантириш ва уларни нутқий муносабатга, муомалага ўргатишдир, шу билан бирга, уларнинг нутқида учрайдиган нутқий бузилишларни тузатишдир. Нутқнинг бузилиши унинг қайси тури бузилганига қараб таснифланади.

Демак, оғзаки ва ёзма. Баён қилишнинг фонатцион-ташқи таъминланиши, улар нутқнинг талаффуз томонининг бузилиши деб аталади. Баён қилишнинг семантик-структура –ички жиҳатдан таъминланиши, улар фанда нутқнинг узлуксиз ёки кўп товушли бузилиши деб аталади.

Баён қилишдаги фонатцион таъминланишнинг заифлашуви бузилган бўғинга боғлиқ холда табақаланиши мумкин.

- товуш шаклланиши;
- суръат – оҳанг жиҳатдан шаклланиши
- интонатцион мелодик
- товуш чиқаришнинг намоён бўлиши.

Бу заифлашувлар турли жараёнларда мавҳум кузатилиши мумкин, логопедияда уларга боғлиқ бўлган бузилишнинг қуйидаги турлари ажратилади (уларни белгилаш учун анъанавий бўлиб қолган атамалар мавжуд):

Дисфоний (афония)—товуш аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фонатциянинг йўқ бўлиши ёки заифлашуви. Маънодошлари: товушнинг бузилиши, фонатсиянинг бузилиши, фонотор бузилишлар, вокал бузилишлар. Товуш юқоридаги ва йўғон ингичкалиги (дисфония) гоҳо фонатсия (афония) нинг йўқ бўлишида, гоҳо қувватнинг бузилишида намоён бўлади. У марказий ёки сиртқи тўхтатиш товуш чиқариш механизмининг органик ёки функционал заифлашуви билан боғлиқ бўлиши ва бола ривожланишининг ҳар қандай босқичида юзага чиқиши мумкин. У алоҳида бўлади ёки нутқ бузилишларининг қатор бошқа турлари таркибига киради.

1. **Брадилалия**—нутқнинг патологик секинлашган суръати.

Маънодоши: брадифразия.

Артикуляр нутқ дастурининг секинлашган ишлаб чиқаришда намоён бўлади, марказий боғланган ва ўз табиатига кўра органик ёки функционал бўлиши мумкин.

Тахилалия—нутқнинг патологик тезлашган суръати. Маънодоши: тахифразия.

Артикуляр нутқ дастурининг тезлашган холда амалга оширилишида намоён бўлади, ўз табиатига кўра, марказий боғланган, органик ёки функционал ҳисобланади.

Дизартрия кўпинча бош миянинг эрта фалажланиши натижасида пайдо бўлади, лекин у бола ривожланишининг ҳар қандай босқичида, нейроинфекция ва миянинг бошқа касалликлари оқибатида пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Баён қилишнинг структурали-семантик (ички) турланишидаги бузилиши икки тур: алалия ва афазия билан кўрсатилади.

Алалия- бош мия қобиғидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнидаги ёки илк ривожланиш даврида органик шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши. Маънодошлари: дисфазия, эрта ёшда пайдо бўладиган болалар афазияси, ривожланиш афазияси, гунглик (эскирган).

Нутқнинг энг мураккаб нуқсонларидан бири, бунда нутқий баённинг пайдо бўлиши ва уни қабул қилишнинг барча босқичларидаги танлаш ва режалаштириш операциялари бузилган бўлади. Унинг натижасида боланинг нутқий фаолияти ривожланмай қолади. Тил воситалари системаси (фонематик, грамматик, лексик) шаклланмайди, нутқ пайдо бўлишининг ҳаракат кўзгатувчанлик даражаси ҳасталашади. Қўпол семантик нуқсонлар кузатилади. Нутқ ҳаракатларини бошқариш бузилади, бу товуш чиқариш ва сўзнинг бўғин таркибига ўз таъсирини кўрсатади. Қандай нутқ механизмлари шаклланмагани ва уларнинг қайси босқичлари (даражалари) кўпроқ хасталанганига боғлиқ равишда алалиянинг бир неча тулари учрайди.

Афазия- бош миянинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

Маънодошлари: нутқнинг бузилиши, йўқолиши.

Бола нутқининг бош мия жароҳатланиши, нейроинфекция ёки мия шиши натижасида йўқолиши нутқнинг шаклланиб бўлганидан сўнг юз беради. Агар бундай бузилиш уч ёшдан сўнг содир бўлса, унда афазия ҳақида фикр юритилади.

Ёзма нутқнинг бузилиши. Унинг қайси тури бузилганига қараб икки гуруҳга ажратилади. Маҳсулдор тур бузулганида ёзувнинг заифлашуви, ретцептли ёзма фаолият бузилганида—ўқишнинг заифлашуви қайд қилинади.

Дислексия—ўқиш жараёнининг қисман ўзига ҳос бузилиши.

Ҳарфларни идрок этиш ва танишдаги қийинчиликларда; ҳарфларни бўғинларга қўшиш ва бўғинлардан сўз тузиш борасидаги тугилишларида (бу сўз шакллари нотўғри талқин қилишга олиб келади); аграматизмда ва ўқиганларини бузиб тушунишда намоён бўлади.

Дисграфия—ёзиш жараёнининг қисман ўзига ҳос равишда бузилиши.

Ҳарфнинг оптик-фазовий образининг турғун эмаслигида, ҳарфларнинг аралашиб кетиши ёки тушиб қолишида, сўзнинг сўз-бўғин таркибини баён қилиш ва гап курилишида намоён бўлади. Ўқитиш давомида ёзиш жараёни шаклланмаган ҳолларида аграфия ҳақида фикр юритилади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017- 2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 29.12.2016 й., ПҚ-2707, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.

2. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, «Халқ сўзи» газетаси. 2017 й., 11 сентябр. 181 (6875)-сон.

3. Арушова А.Г. Развитие речи дошкольников. Методическая пособия для воспитателей. М.:1997- 107 с.
4. Жалолова Г. Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш. Т.:2004- 69 б.
5. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси .Дарслик. Т.:Истиқлол, 2006-247 б.
6. Мўминова Л. Р. Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш дастури. Т.:1996-476.